

# ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТГА ТАҲДИД ВА УНИ БАРАРАФ ЭТИШ ОМИЛЛАРИ

Исмоилов Т.И.\*

## РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада глобаллашув жараёнининг мазмуни ва унинг миллий маънавиятга таъсири, маънавий таҳдид тушунчаси, унинг ўзига хос хусусиятлари, глобаллашув шароитида миллий маънавиятга таҳдидли ҳолат кўриниши ҳамда уни олдини олиш ва батараф этиш усуллари кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар:** глобаллашув, маънавият, миллий маънавият, мафкуравий жараёнлар, ахборот, Интернет, маънавий таҳдидлар, информацион хуруж, оммавий маданият, маънавий инқироз.

## РЕЗЮМЕ

В статье освещены значение глобализация и влияние на национальной духовности, духовное сознание типов угроз, ее конкретных характеристик и, а также различных форм предупреждения и методов воздействия на том, как решить идеологическую угрозу в процессе глобализации.

**Ключевые слова:** глобализация, духовность, национальная духовность, идеологических процесс, информации, Интернет, духовных угроз, информационных угроз, поп-культура, духовный кризис.

## RESUME

The article expressed content of globalization and it's effect to the national spirit, the spiritual consciousness of the threat types, its specific characteristics and as well as different forms of prevention and methods of restraining how to resolve the ideological threat in the process of globalization.

**Key words:** globalization, spirituality, national spirituality, ideological process, information, Internet, spiritual threats, information threats, pop culture, spiritual crisis.

---

\* Исмоилов Темурбек Исломович-Наманган Муҳандислик Педагогика институти катта ўқитувчиси

Тараққиётнинг ҳозирги босқичида инсон ва жамият маънавий оламини мулоҳаза қилиш энг долзарб муаммога айланди. Чунки интеллектуал ривожланиш натижаларидан ғаразли мақсадлардан фойдаланиш жуда катта кўлам касб этмоқда. Шу маънода, маънавий таҳдид муаммосини атрофлича ўрганиш керак. “XXI аср интеллектуал салоҳият, тафаккур ва маънавият асри сифатида инсоният олдида янги – янги уфқлар очиш билан бирга, биз илгари кўрмаган, дуч келмаган кескин муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда”[1].

Бугун инсониятга бўлаётган таҳдидларнинг энг хатарлиси бу маънавий таҳдиддир. “Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъий назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан рухий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим”[2]. Бу таъриф ўзининг бир неча жиҳатлари билан диққатни тортади. Унга кўра маънавий таҳдид қуйидаги хусусиятларга эга:

- а) тил танламайди;
- б) дин танламайди;
- с) эътиқод танламайди.

Эътиборлиси шуки, маънавий таҳдидлар фақат инсон томонидан яратилади ва фақат инсонга тажовуз қилиниши билан зарарлидир[3]. Шунингдек, маънавий таҳдидларни ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, маънавий таҳдидлар носоғлом турмуш тарзи асоратидир;

Иккинчидан, маънавий таҳдидлар маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ифодалайдиган субъектив омиллар мажмуидир;

Учинчидан, маънавий таҳдидлар шахс ахлоқий онгини бузиш воситасида жамият ҳаётини издан чиқаришга, носоғлом турмуш тарзини ёйишга йўналтирилган.

Инсонга маънавий таъсир кўрсатиб, таҳдид қилувчи турли воситалар мавжуд. Булар орасида кўзга ташланмайдиган, аммо инсон руҳиятига кучли салбий таъсир қиладиган қуйидаги омиллар хавfli ҳисобланади:

- товуш билан таъсир кўрсатиш;
- нутқ билан таъсир кўрсатиш;
- маълумотни сохталаштириш;
- чалғитиш;
- онгни режа асосида шакллантириш;
- шовқин-сурон билан таъсир кўрсатиш;
- токли таъсир кўрсатиш;
- электромагнит билан таъсир кўрсатиш;
- инфратовушлар билан ишлов бериш;
- психотроп моддалар қўллаш;
- фиологик таъсир кўрсатиш (парҳез, оздириш, семиртириш, ичкиликбозликка) ўргатиш;

- биоэнергия билан таъсир кўрсатиш (гипноз ва ҳ.к). Руҳиятга салбий таъсир қилиш вазифасини турли нарсалар бажариши мумкин. Мисол учун, оддийгина телевизор турли ранглар воситасида шахс онгини чалғитиши мумкин. Буларнинг оқибатида эса, халқ онгида мафкуравий ваҳима вужудга келади. Мафкуравий ваҳима бу жамиятдаги мавжуд тинчлик ҳолатига раҳна солиш хавfli билан аҳолини кўрқитиш мақсадида муаммоларни тақдим этишдир. “Фолклор(маҳаллий) иблислар ва мафкуравий ваҳима” асари муаллифи Стенли Коҳен фикрига кўра, мафкуравий ваҳима жамият қадриятлари ва қизиқишларига хавф ва кўрқув соладиган вазият, воқеа, киши ёки кишилардан иборат гуруҳларнинг пайдо бўлиши натижасида содир бўлади, жамиятга, маданий қадриятларга хавф келтириб турувчи шахслар “фолклор иблислар”дир.

Бинобарин, маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай тажовуз, таҳдид ўз-ўзидан миллий маънавият инқирозига, мамлакат хавфсизлиги унинг миллий манфаатлари, жисмонан ва маънан соғлом авлод келажагини

таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охири-оқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин. Шу ўринда, маънавий таҳдиднинг уч турини алоҳида таъкидлаш лозим.

1. Мафкуравий таҳдидлар. Ушбу таҳдидлар кенг қамровлиги ва узоқни кўзловчи хусусиятга эгаллиги билан ажралиб туради. Унга миллий кадриятларни камситиш, мўтадил қарашларни писанд қилмаслик ва унинг ўрнига муайян мафкуравий марказ йўриғига юриш, миллий ахлоқ қоидаларини инкор қилиш, ёт ва бегона ғояларни, дунёқарашни мутлак ҳақиқат сифатида тарғиб қилиш қабиларни киритиш мумкин.

2. Ғоявий таҳдидлар. Бу турга кирувчи таҳдидлар инсон маънавий оламида ёт ғоялар, қарашлар ва мақсад-муддаоларни шакллантиришга интиладиши билан фарқланади. Бу ахлоқий бузуқлик, зўравонлик, эгоцентризм, индивидуализм, “оммавий маданият”, миллатлараро низолар келтириб чиқариш, иқтисодий танглик, ёшлар онгини заҳарлаш каби ғояларни ўз ичига олади.

3. Информацион таҳдидлар. Бу турдаги таҳдидлар инсоннинг ижтимоий онгини нотўғри шакллантириш ва шу тариқа ўзлигига эга бўлмаган оломонни таркиб топтиришни кўзлайди. Бу каби таҳдидлар асосан Интернет тизими орқали амалга оширилмоқда ҳамда унинг таркибига давлат миллий сиёсатини атайин танқид қилиш, сохта хабарлар тарқатиш, муҳолифларни гиж-гижлаш, ёшларни чалғитиш каби ахборот хуружлари киради. Миллий маънавиятга қарши қаратилган таҳдидларнинг моҳияти ва таъсир ўтказиш имкониятларига кўра ички ва ташқи гуруҳга ажратиш мумкин.

Миллий маънавиятга қарши қаратилган ички таҳдидлар аслида инсонга хос бўлган “кўникиш” “қизиқиш” “ўзини кўрсатиш” “ман-манлик”, ижтимоий-иқтисодий етишмоқчиликни енгиб ўтишга қурби етмаслик ёхуд енгил ҳаёт кечиришга мойилликнинг кучли бўлиши каби бир қатор маънавий руҳий омиллар таъсирида юзага келади. Ички таҳдидлар ўзининг қамрови ва келтирадиган салбий оқибатлари билан ташқи таҳдидлардан ҳам хавфлироқ ҳисобланади. Ўз манфаати, жони ва жонининг роҳатини кўриб, “ўзим

бўлай”чилик кайфияти билан ошкора ва махфий равишда йўл қўйиладиган ғайриинсоний хатти-харакат, қилиқ, харом-хариш ишлар, фахш, нафсхўрлик, бахиллик, қитмирлик, таъмагирлик, сотқинлик маънавий таҳдидларининг турли хил кўринишларидир. Унинг хатарли жиҳати шундаки, у миллатни ичидан емиради, ҳатто ягона миллат вакиллари ни ўртасида зиддиятларни ҳам вужудга келтиради. Шу тариқа у мамлакатда беқарорликнинг вужудга келишига ва бунинг оқибати ўлароқ, мамлакат ҳаётини қўлга киритишга қаратилган ташқи таҳдидларнинг кучайиб боришига имкон яратади.

Бугун миллий маънавиятни емиришга қаратилган ташқи таҳдидлар сирасига глобаллашув, мафкуравий хуружлар, ахборот хуружи, “оммавий маданият”, турли хил касалликларнинг авж олиши, наркотик моддаларнинг кенг ёйилиши, одам савдоси ва бошқаларни киритиш мумкин. Бундай таҳдидларни юзага келтираётган кучлар бугунги кунда миллий маънавиятга қарши курашда маккорликнинг турли услуб ва воситаларидан фойдаланиб, қанча маблағ талаб этилишидан қатъий назар ўз манфаатлари йўлида мавжуд бўлган моддий, техник ва технологик имкониятларни ишга солмоқда. Бу жараённинг таҳлили шуни кўрсатадики, уларни жиловлашнинг имконияти ҳар доим ҳам мавжуд эмас. Ташқаридан қараганда улар сезилмасида, амалда миллий маънавиятда кечаётган жараёнларда ўз ифодасини топмоқда, уларнинг онги, дунёқарашини, қалби, “тани” ва “қонига” кириб, бутун миллатнинг ботиний ва зоҳирий қиёфасини эгалламоқда[4].

Энг асосийси, миллий маънавиятимизга қарши қаратилган ташқи таҳдидлардан кўра, ички таҳдидларни олдини олиш биринчи навбатдаги вазифага айланиб бораётганлигини англашимиз керак. Чунки миллат маънавий жиҳатдан бақувват бўлиши учун, энг аввало, ҳар қандай ички таҳдидлардан ҳоли бўлиши лозим. Ички зиддиятлардан ҳоли бўлган миллатда ҳар қандай ташқи таҳдидлар хавфини олдини олишга бўлган куч-қувват ҳам мустаҳкам бўлади ва англаб етиш салоҳияти юксалиб боради.

Миллий маънавиятни асраш ва бойитишнинг муҳим омили аждодлардан қолган маънавий меросдир. Чунки миллат чинор бўлса, унинг илдизи,

таянчи, унинг қаддини ушлаб турадиган ва вояга етказадиган, ҳар қандай хавф-хатарлардан огоҳ қиладиган қудратли манба-унинг мероси ва тарихий хотираси ҳисобланади. Халқ, миллат ўз мероси ва тарихий хотирасини тиклагани сари руҳан бақувват бўлади, ундан илҳом олади, маънан бойийди, истиқлолга интилиб яшайди ва унинг фаоллиги табиий равишда ошиб бораверади. Унга нисбатан бепарқлик ички ва ташқи таҳдидларнинг кучайишига, миллий маънавиятни таназзулга учрашига олиб келади.

Шунингдек, миллий маънавиятга бўлаётган таҳдидларни олдини олиш ва бартараф этишда қуйидагилар муҳим аҳамиятга эга:

➤ четдан кириб келаётган ташқи маънавий, сиёсий ва иқтисодий таҳдидларни “пинҳона ривожланиш” давридаёқ аниқлаш ва уни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш;

➤ уларга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштириш, янги норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва уни амалиётга тадбиқ қилиш;

➤ миллатнинг, халқнинг жамиятда қабул қилинган маънавий–ахлоқий нормалари, маданий ривожланиш тамойилларини ривожлантириш, уларни барча фуқаролар айниқса, ёшлар орасида тарғибот-ташфиқот ишларини янада кучайтириш;

➤ интернет ва хорижий оммавий ахборот воситалари орқали кириб келаётган турли салбий ахборотларга қарши юртимизнинг барча фуқаролари ўзаро ҳамкорликда курашиш;

➤ ички ва ташқи маънавий таҳдидларга қарши “мафкуравий иммунитет”ни шакллантириш;

➤ ёшларнинг онгида миллий маънавиятимизга, маънавий меросимизга, тарихимизга меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш;

➤ атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга доимо огоҳ ва ҳушёр бўлишимиз, ўзимизнинг мустақил фикримизни билдиришимиз лозим.

Хуллас, бугунги кунда миллий маънавиятимизга бўлаётган ички ва ташқи таҳдидлар инсон ва жамият ҳаётига, мамлакатимиз тараққиётига катта

таъсир ўтказмоқда. “Ҳозирги вақтда кўз ўнгимизда дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот – коммуникация майдонида чуқур ўзгаришлар рўй бераётган, турли мафкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда, барчамизга аёнки, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этади”[5]. Умумий маънода, таҳдидларга қарши курашнинг қуйидаги омилларни киритиш лозим деб ҳисоблайман:

- умуммиллий сиёсий лидернинг зарурияти;
- тезлик билан аниқ қарор қабул қилиш;
- миллий хавфсизлик учун долзарб ишларни тезкорлик билан амалга ошириш;
- шошилиш равишида таҳдиднинг мазмун-моҳияти, йўналиши ҳақида жаҳон ҳамжамиятини огоҳ қилиш;
- ҳокимият органлари муассасалари фаолияти ва масъулиятини ошириш;
- таҳдидга қарши умуммиллий сафарбарликни таъминлаш;
- ОАВ орқали таҳдидга оид тўғри ва ҳаққоний ахборотларни, таҳдиднинг миллат тақдирига қарши қаратилганлигини тушунтириш;
- халқнинг сиёсий онгининг кучига таяниш;
- умумхалқ, умумдавлат яқдиллигини ошириш ва ҳ.к.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Каримов И.Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш - бизнинг олий мақсадимиз.-Т.:Ўзбекистон,2009.-Б.251.
2. Каримов И.Юксак маънавият - енгилмас куч.-Т.:Маънавият,2008.-Б.14.
3. Тўраев Ш.Маънавий таҳдид:фалсафий талқин.-Т.: Муҳаррир,2010.-Б.4.
4. Отамуратов С.Глобаллашув ва миллий маънавий хавфсизлик.-Т.: Ўзбекистон,2013.- Б.265.
5. Каримов И.Юксак маънавият - енгилмас куч.-Т.: Маънавият,2008.-Б.119.